Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 15-noyabr, juma

№ 46 (24966)

Farg'ona haqiqati

ljtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ /farhaqiqati

ЖСТга АЪЗОЛИК ЯҚИНЛАШМОҚДА

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ (ЖСТ) БОШ ДИРЕКТОРИ НҒОЗИ ОКОНДЖО – ИВЕАЛА ШУ ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТГА АЪЗО БЎЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШДИ.





Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қабулида бўлиб, келгусидаги ишлар режасини муҳокама қилдилар. Шундан сўнг 30 дан ортиқ аъзо мамлакатларнинг 150 дан зиёд саволларига жавоб берилди, улар қўйган масалалар ҳал этилди ва бу жараён давом этмоқда. Биргаликда тузилган "Йўл харитаси" асосида ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларга мувофиқ мослаштириляпти. Шу билан бирга, юртимиздаги тадбиркорлик субъектларига ЖСТга аъзолик талаб ва самаралари тушунтириб берилмоқда.

Фарғона шаҳрида тадбиркорлар билан шу масалага оид навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Унда Жаҳон банкининг лойиҳа координатори Отабек Мансуров бугунги кунда мамлакатда мазкур ташкилотга аъзо бўлиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлар учун яратиладиган имкониятлар, режалар, "Йўл харитаси" ижроси юзасидан ахборот берди.

Ташкилотнинг асосий вазифаси – эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва турмушни фаровонлаштиришдан иборатдир.

Айтиш керакки, ташқи савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтиришда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар очади. Шу боис, Ўзбекистон 2019 йилдан бу халқаро тузилмага аъзолик жараёнини бошлаган эди. Ўтган даврда бу мақсад сари дадил қадамлар қўйилди ҳамда амалий ишлар давом этмоқда.

Учрашувда тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.



ЮЙ ЦЗЮНЬ: "ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ҲАМКОРИ"

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама манфаатли алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб боряпти. Давлатлараро ўзаро ҳамкорликнинг бугунги даражага кўтарилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги ишончли, самимий ва дўстона муносабатлар асосий омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар раҳбарлари икки марта учрашиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, саноат, инфратузилма, транспорт-логистика, "яшил" энергетика, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, IT, таълим, туризм, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида муҳим келишувларга эришишганлари диққатга сазовор.

Хитой Халқ Республикаси халқаро майдонда ўз ўрнига эга, ривожланган давлат сифатида иқтисодий юксалиш ва ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Хитой билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон манфаатига тўлиқ мос келади. Сўнгги йилларда, айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йилда савдо айланмаси 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозирда унинг ҳажмини 20 миллиард долларга етказиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида элчи Юй Цзюнь ХХР иқтисодиёти, сиёсий фаолияти ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ривожланиб бораётган алоқалар ҳақида гапириб ўтар экан, ҳақиқатан ҳам икки давлат ўртасидаги муносабат жадал ривожланиб, мутлақо янги босқичга кўтарилганини таъкидлади. Энг муҳими, мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик даражасини янада ошириш ниятида.

Элчи жорий йил июль ойида бўлиб ўтган Хитой Коммунистик партияси марказий қўмитасининг 20-пленуми якунлари ҳамда "Бир макон, бир йўл" ташаббусига ҳам тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, 60 дан ортиқ давлатни қамраб олган мазкур глобал ғоя доирасида глобал қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 130 дан зиёд ижтимоий лойиҳа инсонлар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган бўлиб, булар дунё аҳолисига фақат фойда келтиради. Марказий Осиё, Европа ва Африка минтақасида жойлашган 70 дан ортиқ мамлакатни ўзаро боғловчи мавжуд иқтисодий йўлакларни янада такомиллаштириш, янги транспорт ва савдо йўлларини яратишни кўзлаган Хитойнинг бу халқаро ташаббуси Ўзбекистоннинг ҳам дунё мамлакатлари ва минтақалар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадларига тўла мос келади.

Қайд этилганидек, Хитой энг йирик қайта тикланадиган энергия – шамол ва қуёш қуввати ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон билан янги энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкор давлат сармояси, технология ва корхоналари фаол иштирокида қўплаб лойиҳалар ишга тушириляпти. Хитой Ўзбекистон билан энергия трансформациясига доир янги йўналишларда шерикликни чуқурлаштириш, саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантиришга тайёр.

Матбуот анжуманида кўп йиллардан буён мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Хитойнинг "China construction sausum", "China energy international group central Asia" Co LTD, "Peng Sheng" компаниялари тақдимоти ўтказилди.

Элчи Хитой Ўзбекистоннинг ишончли, вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорлигини айтар экан, ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, давлат раҳбарлари томонидан илгари сурилаётган ташаббус ва ғояларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида эканини ҳам билдириб ўтди. Туризм, рақамли иқтисодиёт, транспорт, медиа соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини маъқуллади. Шунингдек, журналистларни қизиқтирган саволларга тааллуқли жавоблар қайтарди.

Рустам ОРИПОВ.



МАҚСАДИМИЗ – ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БИЛАН ТЕНГЛАШИШ

Нурилло МАМАСОДИҚОВ, "Central Asian medical university" ректори

Дунёга машҳур шифокорлар билан бир хил фикрлайдиган, улар билан бир хил тажрибага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш – муҳим вазифамиздир. Ёш авлодлар орасидан жаҳон аҳли тан олган Абу Али ибн Сино, Беруний каби алломалар етишиб чиқишидан умидворамиз. АҚШнинг Harvard университетида "Тиб қонунлари" китобининг асл нусхаси борлигини билдим. Унинг нусхасини университетимизга олиб келиш ниятимиз бор.

Юқори малакали тиббиёт мутахассислари тайёрлашда дунёга машҳур тиббиёт университетлари тажрибасини ўрганиш, улар билан яқин ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 4-бетда

Куз-қиш мавсуми:

ҲИСОБОТЛАРДА ИШЛАР ЯХШИ... АММО...



Халқимиз таъбири билан айтганда, қиш қўноғи — ўт. Остонада совуқ фасл ҳукмронлик қилишни бошлади. Унинг ҳар бир куни синовдир. Бундан "эсон-омон" ўтиб олиш эса мавсумга қанчалик тайёргарлик кўрилганига боғлиқ.

Хўш, муҳим ижтимоий объектлар тоифасига кирадиган умумтаълим мактабларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича қандай чоралар кўрилди?

Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг инфратузилмани ривожлантириш ва давлат мулкидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Нодиржон Астанақулов берган маълумотларга кўра, жорий йилда бошқарма тасарруфидаги 955 та умумтаълим мактабларининг 29 тасида иситиш тизимлари жорий таъмирланди. Жумладан, 1100 метр ички ва ташқи иситиш тизимлари, 5206 квадрат метр том қисмлари созланди. 4129 квадрат метр ҳажм ўрнидаги эски дераза ва эшик алмаштирилди, 2 та маънан эскирган иситиш қозонлари янгиланди.

(Давоми 2-бетда).

НЕГА ЗАЪФАРОНни ЗИРАВОРЛАР СУЛТОНИ ДЕЙИШАДИ?





Заъфарон – сафсаргулдошларга мансуб кўп йиллик туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа мамлакатлари, Озарбайжонда катта майдонларда экилади. 2020 йилдан буён Ўзбекистонда ҳам етиштирилмоқда.

Таркибида эфир мойи бўлгани учун ҳиди жуда ўткир ва ёқимли. Заъфарон гулининг қуритилган тумшуқчалари мураббо, тортлар ранги ва таъмини яхшилаш, озиқ-овқат (пишлоқ, сариёғ, ликёр ва бошқаларда ранг бериш учун), парфюмерия (атир-упа) саноатида ишлатилади. Табобатда дори-дармон сифатида қўлланилади.

Заъфарон ўрта асрлардан бери баҳоси ва қадри тушмай келаётган ягона зиравордир. Ўрта асрларда бир қадоқ (450 г.) заъфаронни зотли араб чопқир отига айирбошлаш мумкин бўлган. Ер юзида бугунги кунда йилига фақат 300 тонна ҳосил етиштирилади.

Шарқда илгарилари у "қизил олтин" деб номланган. Заъфарон қимматбаҳолигининг сабаби иккита: биринчидан, уни етиштириш жуда машаққатли иш, иккинчидан, хушбўйлиги, таъми ва даволаш хусусиятлари бўйича зираворлар орасида тенгсиздир. У оғриқни қолдирувчи, қувонч ва хурсандчилик бахш этувчи, тушкунликдан чиқарувчи гормон – серотонин ишлаб чиқариш хусусиятига эга.

Заъфаронни таом ҳазмини яхшилашга, сезги ва нафас олиш органларини мустаҳкамлашга, жигар, буйраклар, лимфа безларини тозалашга, титроқни босишга, томирларда тўхтаган қонни юргизишга, юз рангини тиниқлашга, жинсий қувватни фаоллаштиришга ҳам қўллаганлар. Қадимда киборлар жамиятига мансуб аёллар туғиш олдидан оғриқни енгиллаштириш мақсадида заъфарон эритилган сувни ичишган.

Замонавий тиббиётда у кўзга томизиладиган дори тайёрлашда ва умумий қувватлантирувчи турли дори-дармонлар тайёрлашда ишлатилади. У қайноқ сут билан ичилса, бош мия фаолиятини мустаҳкамлаб, хотирани кучайтиради. Агар асал билан истеъмол қилинса, буйракдаги тошларнинг майдаланишига ёрдам беради.

ЗАЪФАРОННИНГ ШИФОБАХШ ҚУДРАТИ ШУНДАКИ...

– қон таркибини тозалайди, унинг организмда айланишини меъёрлаштиради;
– мия фаолияти фаоллигини яхшилайди;
– невроздан фориғ қилади;
– бош оғриғи (мигрень) ва уйқусизликдан халос этади;
– ошқозон-ичак фаолиятини меъёрга келтиради;
– ошқозон ости бези фаолиятини яхшилайди;
– ортиқча ўт суюқлиги ажралишидан халос этади;
– буйрак ва қовуқни даволайди;
– моддалар алмашинувини яхшилайди;
– организмни қувватлайди;
– кўриш қобилиятини тиклайди, кўз тўрпардасидаги иллатларни даволайди;
– терининг куйган ва шиш пайдо бўлиш ҳолатларида уларни даволайди;
– аллергиядан халос этади;
– бутун организмни ёшартиради.

Онкологик касалликларни даволашда, ҳатто касалликнинг охирги босқичида саратон ўсимталарига қаршилик кўрсатади ва уларнинг ҳужайралари ўсишини тўхтатади.

ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za'faron саломатлик маркази – call-markaz.
Телефон: +99855 516-22-99.
BMB Za'faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex
Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган. Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

КОНСТИТУЦИЯ

БАРЧА СОҲАЛАР УЧУН БОШ МАНБА



Қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асосидир. Жамият, унинг сиёсий институтлари ва иқтисодиёт Конституцияда белгиланган устувор қоидалар асосида ривожланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги соҳаларида ижобий натижаларга эришилди. Ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар ҳам эмин-эркин фойдаланишлари учун кафолатлар Конституцияда муҳрлаб қўйилган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган конституциявий нормаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш барча соҳаларда инсон қадрининг том маънода юксалишига, давлат ва жамият ҳаётини “инсон – жамият – давлат” деган тизимга асосланган янги ва замонавий тарзда бошқариш имконини беради. Шу боисдан, янги таҳрирдаги Конституция ижросини тўлиқ таъминлаш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифасидир.

Ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган тарихий ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Конституциямизда хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилди. Мамлакатимизда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланиб, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши бўйича қоида мустаҳкамланди. Мазкур норма иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестиция жалб этишни рағбатлантириш, инвесторлар ишончини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайди.

“Суд ҳокимияти” бобининг туб моҳиятида “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ётади. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади ва бу Конституция даражасида мустаҳкамланган.

Суд ҳокимиятининг мустақил иш юритиши – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ягона йўли. Шу сабабли Асосий Қонунимизда судьялар мустақиллиги кафолатларига алоҳида урғу берилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча соҳалар учун манба бўлиб ҳисобланади. Буни унда белгилаб берилган йўналишлар бўйича – давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва халқаро соҳаларда қабул қилинган кўплаб қонунлар мисолида кўришимиз мумкин.

Д.АКРАМОВА,
Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси.

”Қўқон” эркин иқтисодий зонаси:

ЮКСАЛИШДА ДУНЁ ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР МАСКАН



“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси бугун қурилиш, енгил саноат, электроника, машинасозлик, озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва бошқа турдаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, реализация қилинаётган йирик саноат хабига, коттеж ва кўп қаватли турар жойлар қад ростлаган ташаббускор тадбиркорлар масканига айланган.

Қирғизистонлик инвестор Иззатулло Сайдуллаев тадбиркорлик йўналишида фаолият кўрсатиш учун айнан шу ерни танлагани сабабини шундай изоҳлайди:

– “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилиш учун барча имконият ва имтиёзлар, яхши инфратузилма яратилган. Шунинг учун ҳам бу ерга қизиқишимиз ортди. Хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорларга жозибадор муҳит яратилганини инобатга олиб, қиймати 50 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритдик.

Йирик ҳажмдаги кафель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Yong Xin” масъулияти чекланган жамияти 32 гектар майдонни эгаллаган. Корхона 4,6 миллион квадрат метр йирик ҳажмдаги кафель маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Бугунги кунда корхонага жиҳозлар ва асбобускуналар Хитой давлатидан олиб келиниб, монтаж қилинмоқда. Ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларда қурилиш ишлари давом этмоқда. Йил охиригача корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлайди. Йилига 424 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланади, 500 нафар фуқаро доимий иш билан банд бўлади.

925 гектар майдонда жойлашган “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудига ҳозирга қадар ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Admiral group”, метан газ баллонлари тайёрлайдиган “Vikor metan”, калава ип ишлаб чиқарадиган “Қўқон глобал текстиль” корхоналари сингари умумий қиймати 807,9 миллион АҚШ доллари бўлган 141 та инвестиция лойиҳалари жойлаштирилган. Ушбу корхоналарда харидоргир ва жаҳон андозаларига тўла мос келадиган экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

– 2024 йилнинг 10 ойида барча 101 та саноат корхоналари томонидан умумий қиймати 2 триллион 761 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди,– дейди “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси” давлат унитар корхонасининг хорижий ва маҳаллий инвестициялярни жалб қилиш шўъбаси бошлиғи Беҳзоджон Муродов. – Ушбу корхоналар 99 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотини экспортга чиқарди. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 9101 та иш ўрни яратилди. Ҳозирда иқтисодий зонада 40 та лойиҳани амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Шуни айтиш керакки, “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси Қувасой шаҳар, “Пакана” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан эркин иқтисодий зонанинг филиали учун 210,4 гектар ер ажратилиши ҳисобига кенгаймоқда. Мазкур ҳудудда янги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

Икки йил давомида эркин иқтисодий зонанинг Қувасой ҳудудида 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, 11,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Йилига 965 миллион доллар миқдорида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 313,6 миллион долларини экспортга йўналтириш бўйича қувватлар ишга туширилади.

Айни пайтда бу ерда амалий ишларга киришилган бўлиб, 71 миллион АҚШ долларилик қийматдаги 4 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. “Marwin fruitline” масъулияти чекланган жамияти томонидан мевани қайта ишлаш ва қуюлтирилган табиий шарбат ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳа қиймати 176,5 миллиард сўм бўлиб, унинг ишга туширилиши натижасида 120 та иш ўрни яратилади. Йиллик 5 миллион долларлик маҳсулотни экспортга чиқарадиган корхонага Швейцария, Италия, Польша, Хитой ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилмоқда. Кенгайтирилган ҳудудда муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмаси яратиш ишлари олиб бориляпти.

Эркин иқтисодий зона таркибида экспортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги чегаранинг бетараф ҳудудида савдо логистика зонаси ҳам ташкил этилмоқда.

Ҳозир дунёда 4 мингдан ортиқ, Ўзбекистонда 23 та эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улар махсус имтиёзлар, барқарор қонуний база ва ташкилий муолажаларни соддалаштириш туфайли хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этишда алоҳида муҳим ўрин тутади. Эркин иқтисодий зоналарда тайёр маҳсулот экспорти кенгаяди, мамлакат бюджетига валюта тушуми кўпаяди, янги иш ўринлари яратилади, ишчи кучларининг малакаси ошади. “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳам ана шу жиҳатлари билан жаҳон эркин иқтисодий зоналари қаторида эътироф этилиб, уларга бўйлашиб бормоқда.

Абдужалил БОБОЖОНОВ,
“Фарғона ҳақиқати” махсус мухбири.

ҲИСОБОТЛАРДА ИШЛАР 5 АММО...

1-бет





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорига кўра, вилоятимизда ҳам таълим муассасаларининг иситиш тизимини бошқариш давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорларга ўтказилди. Ҳозирда Фарғона шаҳри ва Сўх тумани ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик тизимига киритилмаганлиги сабабли бошқарма томонидан ушбу ҳудудлардаги таълим муассасалари 4270,0 тонна кўмир ёқилғиси билан таъминланди. Хусусий тадбиркорларнинг умумтаълим мактаблари учун етказиб берган кўмир маҳсулотлари 91 868 тоннани ташкил этмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимининг 2024 йил 25 октябрдаги тегишли фармойишига асосан, жорий йилнинг 28 октябридан таълим муассасаларида иситиш мавсуми бошланди. Бироқ...

Ўрганилган куни Бувайда туманидаги 3-умумтаълим мактабида мавжуд қозонхоналар ёқилмаганига гувоҳ бўлдик. Муассасанинг хўжалик ишлари мудири Маъмура Мелибоева ўқувчилар таътилда эканлиги учун иссиқлик тизими ишга туширилмаганини айтиб ўтди.

Синфхоналарда ўқитувчилар келгуси чорак дарсларига ҳозирлик кўришаётганини кузатдик. Аммо устозлар совуқда жунжикиб ўтиришибди. Улар 2-3 кундан буён ёғаётган ёмғир ҳавони анчайин совитиб юборгани, шунинг учун иситишни бошқаришга жалб қилинган тадбиркорга қозонхоналарни ёқиб беришини айтишганда, у кўмир ёқилғисини тежаш кераклигини рўкач қилганини киноя билан маълум қилишди.

– Биномиз катта, 1560 нафар ўқувчи икки сменада ўқийди, – дейди Маъмура Мелибоева. – Иситиш қозонлари эскирганлиги сабабли аввалги йилларда синфлар етарли ҳароратда исимади. Бу йил “Шодмонов Маҳмудали Раҳматуллаевич” хусусий корхонаси томонидан иситиш тизими қисман янгиланди. Қиш фаслида ўқувчиларимиз совқотмайди деган умиддамиз.

Мактабни иссиқлик билан таъминлаш учун ўтган куз-қиш мавсумида 90 тонна кўмир ёқилган бўлса, бу йил ҳозиргача 30 тонна кўмир жамғарилди. Мутасаддилар эҳтиёжга қараб, вақти-вақти билан қаттиқ ёқилғи келтирилишини маълум қилишди. Бироқ барча иситиш тизимлари мавсумга шай ҳолатда бўлса-да, ҳали синовдан ўтказилмади. Дудбўронлар ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан назорат қилингани йўқ.

– Муассасамизнинг иссиқлик тизимини бошқариш “Учкўприк иссиқлик қурилиш, монтаж-таъмир” хусусий корхонаси зиммасида, – дейди тумандаги 55-умумтаълим мактабининг хўжалик ишлари мудири Сойибжон Йўлчиев. – Бу бино аввал касб-ҳунар коллежи бўлгани боис, синфхоналар кўп, лекин ҳаммасида ҳам, қолаверса, спорт зали ва кутубхонага иситиш мосламалари ўрнатилмаган. Бу муаммолар бўйича тадбиркорга қилган мурожаатимиз ҳалигача ижобий ечим топмаяпти.

Мактабда иситиш қозонлари ва тизимлари текшириб кўрилмаганлиги, унинг муҳофаза ишлари талаб даражасида эмаслиги аён бўлди.

Туман бўйича ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлашни ўз зиммасига олган “Учкўприк иссиқлик қурилиш, монтаж-таъмир” хусусий корхонаси раҳбари Шуҳратжон Қаландаровнинг айтишича, шу пайтгача мактабдаги иситиш тармоқлари кўздан кечирилиб, зарур юмушлар бажарилди.

Бир-бирига зид фикрлар. Уларнинг қайси бири тўғрилигини вақт кўрсатади.

Маълумотларга қараганда, “Учкўприк иссиқлик қурилиш, монтаж-таъмир” МЧЖ томонидан тумандаги 58 та умумтаълим мактабларидаги 437 та иситиш қозонларидан 13 таси таъмирланди, 4 таси янгиланди. 4 та умумтаълим мактабларининг 66 та радиатори созланди, 5 тасидаги 1200 метр иситиш қувурлари алмаштирилди. 6 та мактабнинг 17 та дудбўронлари тозаланди. 17 та умумтаълим мактабларининг иситиш тизимлари марказлаштирилиб, ушбу муассасаларга қўшимча генератор ўрнатилди. Умумтаълим мактабларининг мавсум давомидаги кўмир маҳсулотларига бўлган умумий эҳтиёжи 5 минг 200 тоннани ташкил этгани ҳолда, айни пайтда хусусий корхона томонидан 2 минг 900 тонна кўмир муассасаларга етказиб берилди. Тадбиркор захирасида 2 минг 300 тонна ёқилғи мавжуд.

Тумандаги 37-умумтаълим мактабида мавсумга деярли тайёргарлик кўрилмаган. “Ўтган йили таъмирдан чиққан” деб айтилган қозонхоналарнинг ҳолати яхши эмас. Кўмир сақлаш омборининг том қисми ва деворлари таъмирга муҳтож. Захира қилинган 25 тонна кўмирнинг сифати яхши эмаслиги кўзга ташланди.

Маълум бўлишча, бу мактабнинг ўтган йилги қишдан “чиқиши” осон кечмаган. Февраль ойининг бошларидаёқ жамғарилган 65 тонна кўмир тамом бўлган. Тадбиркор амалтақал қилиб, бошқа мактабларнинг захирасидан 1-2 тоннадан ёқилғи келтиргунига қадар, ўқувчилар совуқ хоналарда ўқишга мажбур бўлишган.

– Кўмирнинг сифати яхши дейишдан йироқман. Тадбиркор бу йил ҳам ўтган йилдаги каби кўмир туридан олиб келди. Қишда синфхоналарни 16-18 даражагача ушлаб турибмиз. Ҳатто “акфа” деразаларни ҳам целлофан билан қоплаяпмиз, – дейди мактабнинг хўжалик ишлари мудири Санобар Жалилова.

Бу йил мактабнинг таъмирталаб 6 та қозонидан иккитасигина янгиланди. Мавсум бошланганига икки ҳафтадан ошганига қарамай, иситиш қозонлари ва тармоқлар мавсумолди синовдан ўтказилмаган.

“Ҳасанқора” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 43-умумтаълим мактабининг иссиқлик тизими ўз даврини ўтаб бўлганига узоқ йиллар бўлди. Маънан эскирган иситиш тизимларининг ҳали у, ҳали бу қисмидан сув оқади. Ҳар йили томдан чакка ўтаверганидан синфхоналар аянчли ҳолатга келиб қолган, полларини янгилаш, тор ва қоронғи хоналарни кенгайтириш эътибордан четда қолмоқда.

– “Эскини эплагунча, эсинг кетади” деган халқ нақлига мактабдаги фаолиятим давомида кўп бора иқрор бўляпман. Фаоллар ва спорт зали ҳақида гап очмай қўяқолай. Қишнинг совуқ кунларида ўқувчиларимиз очиқ ҳавода жисмоний тарбия дарсларини ўтказишга мажбур бўлишяпти. Синфхоналарни иссиқ сақлаш учун эшик ва ромларга икки қаватдан целлофан қоплаймиз. Натижада шундоғам дарс ўтишга мослаштирилган хоналар қоронғилашади, – дейди мактаб директори Насиба Имомалиева.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси маълумотига кўра, Марғилон шаҳридаги 20 дан ортиқ умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаларида мавсумга тайёргарлик бўйича камчиликлар мавжуд. Хусусан, шаҳардаги 23-умумтаълим мактабида қиш мавсумига умуман ҳозирлик кўрилмаган.

Мазкур билим даргоҳида 1271 нафар ўқувчи таълим олади. 41 та синф хонаси, 70 дан зиёд иситилиши лозим бўлган хона бор. Улар 9 та қозонхона орқали иситилиши лозим. Қозонхоналар эса абгор аҳволда. Мактабнинг том қисмидаги шиферлар синган. Ойна умуман йўқ. Эшиклар маънан эскирганлиги сабабли очилса, ёпилмайди ва аксинча. Чор атрофи елвизак. Унинг эгаси бўлган мактаб маъмурияти эътиборсизлик қилгани яққол кўриниб турибди.

Маълум бўлишича, мазкур мактаб қатори 95 та ижтимоий соҳа объектини куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш, муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш, белгиланган меъёрларда ишлашини таъминлаш ишларига тендер ғолиби “Марғилон қурилиш хомашё ишлаб чиқариш” МЧЖ жалб қилинган. Иш юритувчи Аҳмаджон Абдураҳимовнинг айтишича, август ойида куз–қиш мавсумига тайёргарлик бошланган. Аммо мактабнинг ташқи ва ички изоляция тизимида камчиликлар мавжуд, кўмирхона омборини қуриш кўндаланг бўлиб турибди. Иситиш қозонхоналари мактаб балансида бўлиб, уларни масъулияти чекланган жамият ўз ҳисобидан таъмирлашга киришган. Афсуски, келтирилган кўмир шундоққина мактаб ҳудудига тўкиб қўйилган. Очиқда, ёмғир-сочинли кунларда намланиб ётибди.

– Мактабимизда алоҳида кўмирхона йўқ. Ҳозирча бўш турган жойга кўмирни тўкишга рухсат бердик, – дейди мактаб директори Умарали Усмонов. – Мана бу хонада илгари парта, стуллар турган. Иложимиз йўқлигидан кўмирхонага бўшатиб беряпмиз.

Ҳисоботларда умумтаълим мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатда эканлиги тўғрисидаги узундан-узун сарҳисоблар мавжуд. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатга мос келмаслигига бир кунлик ўрганишларимиз давомида гувоҳ бўлдик.

Муаттар МАҲМУДОВА.

ҚЎҚОНДА “ЯШИЛ МАКОН” АКЦИЯСИ

Қўқон шаҳрида кузги мавсумда 376 мингта кўчат маҳалла, хонадон, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, давлат идоралари ва ташкилотларда экилиши белгиланган.

Шаҳар ҳокимлиги, маҳалла тизими мутасаддилари, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими масъуллари, ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчилари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш бошланди.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўчат ярмаркасида турли манзарали ва мевали дарахтлар савдоси ташкил этилди.

– Бугун шаҳримизда Президент ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” акцияси давом этмоқда, – дейди 12- умумий ўрта таълим мактаби директори Гўзал Ибрагимова. – Шу муносабат билан мактабимизда ҳам ўз ташаббусимиз билан турли хил манзарали кўчатларни олиб келиб, экологик ҳудудни сақлаш учун экяпмиз.





– Ҳозир шаҳарда 438 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган оилалар бор. Уларга кўчат етказиб беряпмиз, – дейди Маҳаллалар уюшмаси Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи Зафар Жўраев. – Мана бугун бу хонадонларда кўчат экиш бошланди. Мақсад – шу йўл билан кам таъминланган оилалар даромадини кўпайтириш.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар хонадонида кўчат экишда хонадон эгалари, маҳалла фаоллари, мутасадди идора вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури:

ВИЛОЯТИМИЗДА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДЛАР КЎПАЙМОҚДА



ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР, ДАРОМАДГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР СОНИ ЭСА ОЗАЙЯПТИ

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ва шу йўл билан халқимизнинг фаровонлик даражасини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу дастур “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилади, камбағал оилалар реестри шакллантирилади.

Айни йўналишда Қува туманида давлат дастурлари, истиқболли лойиҳалар доирасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, ҳар бир ҳудуд, маҳалла, оила кесимида ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқтаси аниқланиб, шу асосда “йўл харита”лари ишлаб чиқилган. Ижтимоий дафтарлар билан ишлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, доимий даромад манбаига эга бўлмаган оилалар билан ишлашда манзилли ёрдам йўлга қўйилган. Туманни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида бир қатор эзгу ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Одамларни доимий иш билан таъминлаш, уларнинг имконият ва ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш камбағалликни қисқартиришнинг зарур омилларидан биридир. Учкўприк туманида бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан 30 дан ортиғи ишсизликдан холи ҳудудга айланган.

“Катта Қашқар” ана шундай маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири. Маҳалланинг асосий драйвери лимончилик, цитрус мевалар етиштириш ва кўчатчиликдир. Мавжуд 1367 та хонадоннинг 900 га яқини лимон етиштиради. Ҳар йили териб олинган 800 тонна ҳосилнинг 700 тоннаси хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Маҳалла хонадонларида лимондан ташқари мандарин, апельсин каби ноёб цитрус мевалар етиштириш ҳам йўлга қўйилди. Кўчатчилик тармоғи равнақ топиб бормоқда. Бу ерда бир нечта лимончилик кооперациялари ташкил этилган бўлиб, улар цитрус мевалар кўчатларини етказиш, агротехник ва кимёвий ишлов бериш, тайёр маҳсулотни сотиб олишгача бўлган жараёнларда томорқачилар оғирини енгил қилмоқда.

– Маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудуд мақомида. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси доимий даромад манбаига эга. Маҳалладошларимиз иссиқхоначиликнинг ҳадисини олишган. Хонадонларда асосан 2-6, баъзиларида 20 сотихгача иссиқхоналар ташкил этилган. Битта оила лимончиликнинг ўзидан йилига ўртача 100 миллион сўмгача даромад олади. Меҳнат қилиб, даромад топаётган маҳаллада эса камбағал оила бўлмайди,– дейди “Катта Қашқар” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Соҳибназар Худойберганов.

Яқинда маҳаллада яна бир хайрли ишга қўл урилди. 250 та оилага аукцион орқали 38,1 гектар ер ажратиб берилди. Бу ерларда катта ҳажмли иссиқхоналар барпо этишга киришилди. Иссиқхоналардаги цитрус мевалар кўчатлари ҳосилга киргунига қадар миришкорлар тўқсонбости экинлари, шунингдек, шоли парваришлаш орқали қўшимча даромад олишлари мумкин.

Маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси салмоқли ўрин тутади. Вилоятимиз маҳаллаларида кўплаб кичик бизнес субъектларининг фаолият бошлаётгани ишсизларни иш ва доимий даромад манбаи билан таъминлаётгани қувонарли.

– Маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлаганимда 176 та тадбиркорлик субъектлари бор эди. Бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 580 тага етди,– дейди Фарғона шаҳар “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Арофатхон Махсудова. – Бунда, албатта, Президентимиз томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган қарор ва фармонлар муҳим дастуриламал бўлмоқда. Тадбиркори бой юрт бой бўлишини маҳалламиз мисолида кўриб турибмиз. Шуни фахр билан айта оламанки, бугун маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Бу ердаги тадбиркорлик субъектларига қўшни маҳаллалардан ҳам ишга муҳтож бўлган фуқароларни жалб этганмиз.

Ишсизликдан холи бўлган бундай ҳудудлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу маҳаллаларда ободлик ва аҳоли турмуш фаровонлиги юксаляпти, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, эҳтиёжманд оилалар сони камайиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз.

“ЭНДИ ЎЗИМИЗНИНГ УЙИМИЗ БОР”

ДЕЙДИ ФУРҚАТ ТУМАНИЛИК ДИЛОРОМХОН ҲАСАНОВА

Бу ҳафта Дилором опанинг ҳеч омади юришмади. Мардикор бозорида унга мос иш чиқмаяпти. Аслида, ҳозир у иш танлайдиган аҳволда эмас. Қандай иш бўлса ҳам бориши, уйга қуруқ қайтмаслиги керак. Ахир синглисининг уйида яшаётгани камлик қилганидек, рўзғор юкини ҳам кўтара олмаяпти. Уйда тузукроқ рўзғорлик ҳам қолмаган.

Унинг боши қотган. Қиш ҳам яқинлашяпти, уст-бош олиш керак, коммунал хизматлар тўлови кўндаланг турибди. Афсуски, яна синглисининг уйига қуруқ қўл билан кириб боришига тўғри келди. Дилором опа табиатан дардини бировга дастурхон қиладиган аёл эмас, шунинг учун маҳалладан ёрдам сўрашга ҳам тортинади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нўмонжон Эшонқулов эса Дилором опанинг оилавий шароитидан хабардор.

Президент Фармони асосида 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган бўлиб, вилоятимизда бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Раҳбарлар камбағал оилаларга ва маҳаллаларга бириктирилиб, уларга ҳар томонлама амалий кўмак берилмоқда.

“Ҳудудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали раҳбарияти “Кармак” маҳалласига бириктирилган. Филиал раҳбарияти маҳалла фаоллари билан келишган ҳолда, Дилоромхон Ҳасанованинг оилавий шароитини ўрганиб чиқди. Соҳа ходимларининг ташаббуси билан ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оилага ёрдам бериш мақсадида қисқа фурсатда уч хонали янги уй қуриб берилди.

Одамлар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини эртага эмас, бугун ҳис этиши керак. Ушбу тамойил асосида олиб борилаётган амалий ишлар туфайли аҳоли турмуши фаровонлашиб, одамларнинг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан, айниқса, кам таъминланган, ногиронлиги бор ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар жуда миннатдор.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган Дилором Ҳасанова шу кунга қадар ўғли билан бирга синглисининг уйида яшаб келаётган эди. Эндиликда унинг ўз бошпанаси бор. 6 сотихли янги уйда ошхона, тандирхона, ҳаммом, қўйингки, бир оила истиқомат қилиши учун барча шароитлар яратилди. Шунингдек, икки бош қўй ва товуқлар олиб берилиб, оила даромадининг яхшиланишига амалий ёрдам кўрсатилди. Опанинг касб-ҳунар мактабини битирган ўғли эса туман газ таъминоти бўлимига ишга жойланди.



– Инсон сабрли, матонатли бўлса, ҳаёт синовлари олдида ўзини йўқотиб қўймаса, албатта, эзгу ниятларига етаркан, – дейди Дилоромхон Ҳасанова. – Яратганга шукур, шинам ва чиройли хонадонга эга бўлдим. Ўғлим ҳам ишли бўлди. Жигарбандим, “Ая, энди мардикорлик қилмайсиз, мен ишга кирдим, даромадимиз бўлади” деяпти. Тўғриси, фарзандим улғайиб қолганини энди ҳис қилдим. Энг муҳими, ўзимизнинг уйимиз бор.

Дурдона ҒАФФОРОВА.

Жума сабоғи



ЮРТНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ИЛМГА БОҒЛИК

Динимиз – илм-маърифат дини. Аллоҳ таоло илмни маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди. Буни теран англаган ислом уммати, хусусан, улуғ аждодларимиз илмда улкан муваффақиятларга эришганлар.

Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятларда ўқишга буюрилишида ҳам Ислом умматини илмга тарғиб қилиш бор. Билимсизликдан маърифат сари интилиш динимиз талабидир. Қуръони каримда ҳам мусулмонлар барча нарсанинг ҳақиқатини билиш учун доимо илм пайида бўлишга чақирилади. Пайғабаримиз алайҳиссаломга илмнинг зиёдалигини сўраш буюрилган. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади:

“Роббим, илмимни зиёда қилгин”, дегин” (Тоҳа сураси, 114-оят).

Илмга қизиқтириш борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

“Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Фаришталар толиби илмни қилаётган ишидан рози бўлган ҳолларида қанотларини ёзадилар. Олимга осмондагилар, ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтишади. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Анбиёлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар, холос. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди” (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилган).

Шунинг учун ҳам кўпчилик уламоларимиз пок ният ва ихлос билан илм излаш ва шу йўлда саъй-ҳаракат қилиш динимиздаги нафл ибодатлардан афзал эканини таъкидлаганлар.

Имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳи): “Агар дунёда азиз бўлишни истасанг, илм ўрган. Агар охиратда шараф топишни истасанг, илм ўрган. Агар ҳар иккисига эришишни кўзласанг, илм ўрган”, деганлар.

Ислом дини мусулмонларга тараққиёт йўлидан юришни шарт қилган, кишиларни илмга ундаган. Чунки инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сола олмайди, тараққиётга ҳам эриштира олмайди. Бу борада ҳадис илми пешвоси Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ шундай дейдилар: “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай!”. Дунёда ҳам, охиратда ҳам инсонга илмдан кўра кўпроқ фойда келтирадиган нарса йўқ. Жаҳолатдан-да кўра зарар берувчироқ нарса ҳам йўқ.

Али разияллоҳу анҳу: “Инсонларнинг энг қадри ози – илми озидир”, деганлар. Илмсизлик, жаҳолат инсониятни ҳалокатга олиб бориши муқаррар.

Ислом дини инсоннинг дунё ҳаёти учун лозим бўлган барча илмларни ўрганишни фарз даражасига кўтарган диндир. Дунёвий илмлар билан машғул бўлаётган кишилар фарз ибодатини бажаряпман деган ниятда машғул бўлишса, дунёвий манфаатларни қўлга киритишдан ташқари, улкан ажр-савобларга ҳам эришадилар. Худди шунингдек, турли ишлаб чиқариш ва саноатга доир илмлар ҳам фарзи кифоядир. Демак, ҳозирги замонда ёшларимиз фан-техника соҳасида ҳам барча дақиқ илмлардан кифоя қилиш даражасида билишлари зарур бўлади. Чунки давлатнинг куч-қудрати, ўзга давлатларга қарам бўлиб қолмаслиги илм-фаннинг ривожи ва тараққиётига боғлиқдир.

Ислом динидаги бу ҳукмлар аёл-қизларни ҳам четлаб ўтмаган. Чунки жамиятнинг ярмини аёл-қизлар ташкил қилади. Уларни илмсиз қолдириш жамиятни илмсиз қолдириш демакдир. Айниқса, келажак авлод тарбияси аёлларимизга боғлиқдир. Улар билимли бўлишса, улар тарбиялаган авлод ҳам билимли бўлади. Улар одобли бўлишса, улар тарбиялаган авлод ҳам одобли бўлади.

> **БАРЧАМИЗ ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТИМИЗ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА САЪЙ-ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, БУ БОРАДАГИ ДУНЁҚАРАШ ВА ТАСАВВУРЛАРНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРСАК, КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАМИЗ.**

Ислом тарихида Оиша онамиз тақво, одоб-ахлоқ, ҳаё, илм ва фатво билан танилган эдилар. У зотдан катта саҳобалар ҳам масала сўрашар эдилар.

Ривоятларда келишича, бир киши бир улуғ зотнинг ҳузурига келиб: “Ҳазрат, менинг бир ўғлим ва бир қизим бор. Улардан ҳар иккисини ўқитишга қурбим етмайди, фақатгина биттасини ўқитишга имконим бор, қайси бирини ўқитай?”, деб сўрабди. Шунда у зот: “Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қилади. Агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан”, деб жавоб берган экан.

Бугунги кунда ёшларимиз учун яна бир муҳим вазифа чет тиллари ҳамда замон талаб этаётган илмларни яхши ўзлаштиришдир. Чунки борган сари чет давлатлар билан алоқаларимиз кенгайиб бормоқда. Улар билан муомала қилиш учун, ўзаро алоқаларда ютуққа эришиш учун, албатта, тил билиш керак бўлади.

Ҳадиси шарифларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

“Ҳикматли калима мўминнинг йўқотган нарсасидир. Уни қаерда топса ҳам олишга ҳақлидир” (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадисда ҳар қандай фойдали илм, гарчи бир калима бўлса ҳам мўмин-мусулмон киши учун ҳудди йўқотиб қўйиб, излаб юрган қадрли буюмига ўхшатилмоқда. Уни қаерда топсак ҳам бошқалардан кўра ўзимиз ҳақли эканимизни билишимиз керак.

Афсуски, баъзи оилаларда фарзанд тарбияси тўлиғича телевизор ёки телефон воситаларига топшириб қўйилган. Ҳар бир ота болалари тарбияси учун жавобгар эканини унутмаслигимиз керак!

Адҳамжон ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон тумани
бош имом-хатиби.

Соғлом турмуш тарзи

ГРИППНИНГ АСОРАТИ ХАВФЛИ

Нафас йўллари ўткир вирусли юқумли касалликларининг 50 фоизидан кўпроғини грипп касаллиги ташкил этади.

Организмнинг умумий шамоллаши билан кечадиган, тез тарқаладиган ушбу вирусли юқумли касаллик асосан об-ҳавонинг совуши натижасида фаоллашади.

Касалланган бемор аксирганда, йўталганда ва ҳатто сўзлаганда ҳам ҳавога миллионлаб грипп вирусларини чиқаради, лекин улар ҳавода кўринмайди. Шубҳасиз, бундай ҳаводан нафас олганлар вирусни юқтириб олади.

Грипп вируслари соғлом одамнинг нафас йўлларига киргандан 10-12 соатдан кейин касаллик белгилари юзага чиқади.

Куз-қиш мавсумида гриппга ўхшаш белгилар билан кечадиган касаллик чақирувчи 100 дан ортиқ вирус турлари кенг тарқалади. Булар тиббиётда реовируслар, риновируслар, аденовируслар деб юритилади. Касалликлар белгилари гриппга ўхшайди, лекин улар кўп ҳолларда анча енгилроқ кечади.

Грипп билан оғриган бемор шифокор рухсатисиз ҳар хил антибиотикларни қабул қилиши мумкин эмас. Касалликнинг ўзи эмас, балки унинг асоратлари хавфли. Беморда тез-тез терлаш, толиқиш, уйқунинг бузилиши, кайфиятнинг ўзгариб туриши каби ҳолатлар бир неча ҳафта давом этиши мумкин.

Совуқ мавсумда овқатланишда танага етарли миқдорда оқсиллар, минерал тузлар, микроэлементлар, витаминлар тушишига аҳамият қаратиш лозим.

Гриппга қарши бир қанча вакциналар мавжуд. Эмлаш грипп даражасини ва асоратларини енгиллаштиради. Касаллик эпидемиясидан олдин болалар, ҳомиладор аёллар, қариялар ва сурункали касалликлар билан оғриган беморларни гриппга қарши эмлатиш катта аҳамиятга эга.



Улуғбек БОЛТАБОЕВ,
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти
“Эпидемиология ва юқумли касалликлар, ҳамширалик иши” кафедра мудири.
Шоира МУҲИДДИНОВА,
кафедра катта ўқитувчиси.

Фарғона шаҳар, Юлдуз кўчаси, 71-уйда жойлашган “Dizayn loyiha” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, “Ойбек” МФЙ, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 77-уйда жойлашган “Far-avtoyo`l” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани, “Шарқ” МФЙ, Полосонобод кўчаси, 265-“а” уйда жойлашган “Gulshan buildings” хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Олмазор кўчаси, 64-уйда жойлашган “FAR Akbarali fayz” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 65-“а” уйда фаолият олиб бораётган Якка тартибдаги тадбиркор Кушакбаева Хуснора Илҳомжон қизи номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“New brehd tekstil” МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Қўқон кўчаси, 66-уй, 4-хонадонда жойлашган “Маданият” фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани, “Полосон” МФЙ, Жонибек кўчаси, 6-уйда жойлашган ЯТТ Улуғбек Мукаррамов Маъмурович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

FARG‘ONA POLITEXNIKA INSTITUTI QUYIDAGI BO‘SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E’LON QILADI:

I. KAFEDRA PROFESSORI LAVOZIMIGA:		
1	Bino-inshootlar qurilishi kafedrasi	1
2	Iqtisodiyot kafedrasi	1
II. KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA:		
1	Oliy matematika kafedrasi	1
III. KAFEDRA KATTA O‘QITUVCHISI LAVOZIMIGA:		
1	Oliy matematika kafedrasi	1
2	Mashinasozlik texnologiyasi va avtomatlashtirish kafedrasi	1
3	Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaj kafedrasi	1
4	Ijtimoiy fanlar va sport kafedrasi	1
IV. KAFEDRA ASSISTENTI (O‘QITUVCHISI) LAVOZIMIGA:		
1	Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaj kafedrasi	1
2	Arxitektura kafedrasi	1
3	Elektronika va asbobsozlik kafedrasi	1
4	Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasi	1
5	Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasi	1
6	Tabiiy tolalar kafedrasi	1

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy.

Murojaat qilish uchun manzilgohimiz: Farg‘ona shahar, Farg‘ona ko‘chasi, 86-uy. Telefon: 91 665-72-05.

Kengash kotibi M. Shaxodjayev.


1-бет



Тижорат асосида тайёрланди

МАҚСАДИМИЗ – ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БИЛАН ТЕНГЛАШИШ

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ КЕНГАЙТИРДИ

Яқинда хизмат сафари билан Америкага бордик. У ердаги шифокорлар тажрибаларини ўргандик. Pittsburgh университетини дунёга тиббиёт мутахассислари етиштириб чиқарадиган талабалар "шаҳарча"си, десам адашмайман. Биз америкалик ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Harvard университетида айнан трансплантология, яъни юрак, жигар каби органларни кўчириш бўйича мутахассислар билан фикр алмашдик. Бундай дунёга машҳур университет билан шартнома қилиш тарихий аҳамиятга эга фахрли воқеадир. Улар билан ҳамкорликда 2025 ўқув йилида Америка таълим тизими бўйича дарсларни киритишга келишдик. Шунингдек, Stenfer хусусий университети фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик.

Биз қўшма дастур асосида Россия ва Америка давлатларига бориб, ҳамкорларимиз билан интеграция қилинган ҳолда дарсларни ташкиллашимиз мумкин бўлади. Бу бизга берилган катта имкониятдир. Илмий даражани ўстириш учун дунёдаги ТОП университетлар салоҳияти, илмий ишлари билан танишув жуда катта роль ўйнайди.

Беларусь давлати билан ҳамкорликда юракка стент қўйиш, стент ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчимиз. Ҳозир сўнгги босқичдаги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу университетимиз учун янгилик. Яқин келажакда олийгоҳ қошида ихтисослашган илмий лаборатория ташкил этилади ва у ерда стент ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Ана шунда ҳозирги кундаги стентлардан таннархи 50 фоизга арзон бўлади.

КЛАСТЕР АФЗАЛЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА АСОС БЎЛМОҚДА

Университетимиз мамлакатимиз қонунчилиги доирасида кластер усулида фаолият юритади. Кластер таркибида 10 та шифохона ва 1 та университетимиз бор. Олийгоҳ қошида академик лицей ва техникумлар ташкил қилиш мақсадидамиз. Малакали ҳамширалар ўқишини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бунинг сабаби, хорижий сафарларимиз давомида у ерларда ҳамшираларга эҳтиёт катталигини сездик. Биз ўқитган ҳамширалар бемалол чет элда ишлаш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда олийгоҳимизда дарс жараёнлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Инглиз тилида 3 та гуруҳ талабаларимиз бор. Улар бу тилда эркин гаплаша олади. Кунчиқар мамлакатдан таклиф қилинган профессор япон тилида дарс беряпти. Келажакда бу тилни яхши ўзлаштирган мутахассисларимизни Японияга ҳам жўнатиш имкониятимиз бўлади. Дарс жараёнларини турк ва япон тилларида ҳам олиб боряпмиз.

Олий таълим даргоҳида 300 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар 270 нафар талабаларга сабоқ беришади. Улардан 38 фоизини илмий салоҳиятга эга бўлган ўқитувчи-профессорлар ташкил этади. Талабаларнинг 48 фоиздан ортиғи хотин-қизлардир.

ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Талабаларга давлат томонидан фоизсиз кредитлар ажратилган. Ҳар бир хонадонда ёшларнинг таълим олиши учун имконият мавжуд. Уларга ректор стипендиялари ҳам жорий қилинган. Яхши ўқиган ёшларимиз 10 миллион сўмгача стипендия олишади. Эртага биз талабаларни бюджет асосида ўқитиш имкониятига ҳам эга бўлишимиз мумкин. Бу уларга мотивация беради. Ўзимиз томонимиздан қилинган чегирмалар ҳам бор, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилади.



Мамлакатимиз раҳбари малакали ҳамширалар, шифокорларга катта эътибор қаратяпти. Ҳамшираларимиз иш жойидан ажралмаган ҳолда тил ўрганиши ва малакасини ошириши мумкин. Тил ўрганган, малакаси ошган мутахассисга чет элда фаолият олиб бориш эшиклари очилади. Ўқишни битираётган талабаларимизнинг бир қисми чет тилини мукаммал билиб, хорижий мамлакатларда ишлаши, у ерларда тажриба ўрганиб, юртимизга қайтганида уни ўзимизда қўллаши мумкин.

УНИВЕРСИТЕТ ДИПЛОМЛАРИ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ТАН ОЛИНАДИ

Айнан ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, бизга ТОП 100 ва 1000 таликка киришга шароит яратади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган илмий журналимиз бор. Илмий иш олиб бораётган шифокорларга ҳам қўшимча ойлик маошлари беришни йўлга қўйганмиз. Ҳар битта шифокор ўз устида ишлаб, эртага раҳбарият томонидан тақдирланиши унга рағбат бўлади. Ўқитувчи ва профессорлар янгилик яратса, янги илмий мақола чиқарса, мукофот билан сийлаш ҳаракатидамиз.

Эътиборли жиҳатлардан бири – Европада аттестациядан ўтганмиз. Олийгоҳимиз халқаро университет мақомига эга. Таълим инвестициясига асос солиб, 2024-2025 ўқув йилида Қирғизистондан 300 нафар ёшларни ўқишга қабул қилганмиз. Бундай кўрсаткич, албатта, бизни қувонтиради. Биз бераётган мутахассислик дипломлари чет давлатларда ҳам тан олинади, бу эса уларнинг хорижда ҳам шифокор бўлиб ишлашлари учун имкон беради.

Талабаларимиз хусусий шифохоналарда амалиёт олиб боришади. Бизнинг бошқа олийгоҳлардан фарқимиз – жуда ҳам бой стимуляцион марказга эгамиз. Дунёдаги ТОП университетларда ҳам бундай марказ ташкил қилинган. Чет эл тажрибасидан фойланиб, биз ўз модулимиз асосида бундай марказни яратдик ва талабаларимиз биринчи босқичданоқ инсон танасига 95 фоиз яқин қилинган роботларда, стимуляторларда амалиёт ўташади. Соатлаб шу роботларда тажриба ўтказганидан кейин, у хусусий шифохона ёки давлат муассасасига боришга руҳан тайёр бўлади. Беморларда амалиёт ўташ жараёни осон кечади.

РЕЖАНИ КАТТА ОЛГАНМИЗ, БУНГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

Менинг мақсадим – олийгоҳимизни Ўзбекистоннинг, Марказий Осиёнинг Harvard, Pittsburghига айлантиришдир. Бу университетлар 300-400 йиллик тарихга эга. Биз эса атиги 4 ёшдамиз. Ривожланишнинг мана шундай босқичида кетсак, мақсад-муддаомизга тезроқ эришамиз.

Келгусида Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг 10-15 та университетлари билан жигар трансплантологияси бўйича ҳамкорлик қилмоқчимиз. Қанчадан-қанча беморларимиз Ҳиндистонга кетяпти, жигар трансплантологияси учун. Лекин шу амалиёт ўзимизда – Ўзбекистонда бўлса, биз уни ярим пулига қилишимиз мумкин.

Режаларимиз кўп ва катта. Уларни амалга ошириш учун билим ва салоҳиятимиз, маблағимиз, имкониятимиз етарли. Мамлакатимизда хусусий олий ўқув юртлари тараққиёти учун яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳоннинг нуфузли университетлари билан ҳар жиҳатдан тенглашиб бораверамиз.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Барча ватандошларимизни, элу юрт манфаати ва ишчи-ходимларнинг касбий ҳуқуқларини таъминлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган касаба уюшмалари фаолларини

11 НОЯБРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА КЕНГ ТАНТАНА ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

билан яна бир бор самимий муборакбод этади!

Шуни алоҳида эътироф этиш ўринлики, бугунги кунда вилоятимизда 4 мингдан зиёд корхона-муассасалардаги бошланғич ташкилотларда 600 мингдан зиёд касаба уюшмаси аъзолари фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Бугунги шукуҳли кунларда барчаларингизнинг мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Халқимиз турмуш даражасини ошириш, одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаб, ҳаётдан рози бўлиши ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларингизга омад ёр бўлсин!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁ САҲНИДА НУФУЗИ ЯНАДА ОРТАВЕРСИН!

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236 -"б" уй. Буюртма: 704.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.

ISSN: 2010-8370

Газета жума куни чиқади. Адади: 1575 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 16.30.